

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Учтепа туман Мактабгача таълим бўлими
"Харид комиссияси"
Раиси Н.Х.Хантураева

Учтепа тумани Мактабгача таълим бўлими тассаруфидаги 399-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотининг 12 та болалар ёзги айвончалари 2 та болалар спорт майдончалари, 1 та болалар ёзги чўмилиш ҳавзасини таъмирлаш ҳамда бино ичига кирган совуқ сув ва канализация тизими қувурларини янгилаш ишларини амалга ошириш учун фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағлари доирасида ушбу ДМТТ таъмири учун лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича энг яхши таклифни танлаш

Хизмат номи: 399-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотининг 12 та болалар ёзги айвончалари 2 та болалар спорт майдончалари, 1 та болалар ёзги чўмилиш ҳавзасини таъмирлаш ҳамда бино ичига кирган совуқ сув ва канализация тизими қувурларини янгилаш учун лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Танлашни ўтказиш шакли: Электрон шаклда

Шартноманинг бошланғич баҳоси: 33 000 000 (Ўттиз уч миллион) сўм

Танлаш ҳужжатларини қабул қиладиган ва танлаш ўтказиладиган манзил:
<https://etender.uzex.uz>

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:

- Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари порталидан олинган ЭРИ билан тасдиқланган маълумотнома тақдим этилиши лозим. Иштирокчи томонидан маълумотнома тақдим этилмаслиги ёки мазкур талаб асосида тақдим этилмаслиги минимал балл билан баҳоланади. Муддати ўтган қарздорлиги мавжуд ёки маълумотномани нотўғри тақдим этган иштирокчи танлашдан четлаштирилади;
- Танлаш иштирокчиси шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, базаси борлиги хақида ташкилотга тегишлилиги хақида маълумот нусхаси, 3 тадан ортиқ бўлиши керак. Иштирокчининг маълумот тақдим этмаслиги минимал балл билан баҳоланади, агар тақдим этмаса танлашдан четлаштирилади;
- 2021-2022 йиллар мобайнида амалга оширилган ишлари бўйича бажарган ишлари рўйхати, мазкур ишлар бўйича имзоланган шартномалар нусхаси электрон шаклда тақдим этилиши лозим. Мазкур эълонда кўрсатилган ишлар билан бир хил турдаги ишларни тузилган шартнома шартларига асосан бажарган иштирокчиларга баҳолашда устунлик берилади. Иштирокчи томонидан маълумот тақдим этилмаслиги ёки мазкур талаб асосида тақдим этилмаслиги минимал балл билан баҳоланади;
- Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси электрон шакли; банк реквизитлари, юридик ва почта манзили, таъсисчи ва бенефициар тўғрисида давлат тилида ташкилотнинг расмий бланкасида тасдиқланган маълумотлар (таъсисчи ва бенефициарнинг СТИР, паспорт ёки ID-карта нусхаси электрон шаклда, телефон рақами), Мазкур маълумотлар ёки маълумотга иловалар тўлиқ тақдим этилмаслиги минимал балл билан баҳоланади. Маълумотларнинг нотўғри тақдим этилганлиги аниқланса иштирокчи танлашдан четлаштирилади;
- Ягона миллий меҳнат тизими базасидан олинган 5 нафардан кам бўлмаган, меҳнат стажи 1 йилдан кам бўлмаган мутахассислар тўғрисида маълумотлар тақдим этилиши лозим (электрон меҳнат дафтарчаси нусхаси ва бошқа ҳужжатлар). Иштирокчи мазкур талаб

асосида маълумот тақдим этилмаслиги минимал балл билан баҳоланади. Маълумот тақдим этмаган иштирокчи танлашдан четлаштирилади;

- Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги; шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгаллиги тўғрисида давлат тилида ташкилотнинг расмий бланкасида тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши лозим. Иштирокчининг кафолат хатини тақдим этмаслиги ёки талаблар асосида тўлиқ тақдим этмаслиги минимал балл билан баҳоланади;
- Ташкилотнинг расмий бланкасида давлат тилида тасдиқланган ҳолда коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этилиши шарт. Ариза тақдим этмаган ёки коррупция кўринишларига йўл қўймаслик маъносини англатмайдиган бошқа ариза тақдим этган иштирокчи танлашдан четлаштирилади;
- Лизинг, банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги ва 2021-2022 йиллар ҳисоб рақамидаги айланма маблағлари миқдори ва таклифларни қабул қилиш даврида ҳисоб рақамида мавжуд маблағлар тўғрисида БАНК маълумотномаси илова қилиниши шарт. Бажариладиган ишлар қийматидан ортиқ маблағга эга бўлган иштирокчиларга баҳоланда устунлик берилади. Маълумот тақдим этмаган иштирокчи танлашдан четлаштирилади;
- Танлов иштирокчиларининг таклиф қилган корхонасининг энг камида 1 йиллик тажрибага эга бўлишлилиги. Иштирокчининг тажрибага эга бўлмаслиги минимал балл билан баҳоланади
- Қурилиш Вазирлигининг II ва ундан юқори объектларни лойиҳалаш учун берилган лицензия мавжудлиги

Танлов иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш қоидаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс: Учтепа тумани МТБ Эксплуатация хизмати бошлиги – М.Ғаниев, Тел.: (90) 902-64-63, (99) 882-79-89.

Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана: Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 5 календарь куни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.

Буюртмачининг юридик манзили: Тошкент шаҳар Учтепа тумани Фарход кўчаси 21уй.
Танлов ҳужжатларини расмийлаштириш талаби:

- Танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- Танлов ҳужжатларида тузатишларга (матн, сўз ва рақамларни бўйлашга) йўл қўйилмайди. Агарда ҳужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлаш ҳужжати комиссия томонидан четлантирилади;
- Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.


Танлов иштирокчиларига қўйидаги ишларга қўйиладиган талаблар

2.1. Бажариладиган ва кўрсатиладиган хизматларни ўз вақтида ва сифатли тарзда амалга ошириш.

2.2. Зарур бўлганда, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирларни ишлаб чиқиш ва уларни иш жараёнида тадбиқ қилиш.

Учтепа тумани МТБ эксплуатация
хизмат бошлиги

Учтепа тумани МТБ ДХШБМ



М.Ғаниев

А.Махмудов